

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕСУРС БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Саримов Шахбозали Соаталиевич

Тошкент Молия институти таянч докторанти

ARTICLE INFO.

Keywords: Тижорат Банкларининг,

Annotatsiya

Жаҳонда тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, тижорат банклари ва уларнинг хизматлари сифатини яхшилаш уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш, авваламбор, ресурс базасининг мустаҳкамлиги ҳамда диверсификацияланиш даражасини таъминлаш бўйича чоратadbирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши билан узвий боғлиқдир. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсати доирасида амалга ошириладган макропруденциал назорат бўйича талабларнинг кучайтирилиши миллий валютадаги узок муддатли ликвид ресурсларнинг етишмаслиги ҳамда банкларнинг ликвидлик бўйича тегишли кўрсаткичларга эришиш заруратининг юзага келиши каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу билан бир қаторда, аҳоли ва бизнес субъектларининг инфляцион кутилмалари даражасининг катталиги, шунингдек, узок муддатли депозитларни жалб этиш соҳасида банклараро рақобатнинг кучайиб бориши ҳамда технологик ривожланиш натижасида мижозларнинг инновацион хизматларга бўлган талабининг ошиб бориши тижорат банклари томонидан депозит сиёсатини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш механизми ва воситаларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Зеро Президентимизнинг 2023 йил Олий мажлисга Мурожаатномасида “...иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак”лигига алоҳида эътибор қаратди. Мамлакатимизда тижорат банклари депозит сиёсатини бугунги кун талабларига мос ҳолда трансформациялаш муаммоси фақат мамлакатимиз банк секторига хос бўлган хусусиятлардан бири бўлиб қолмасдан, балки ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг банк соҳаси мутахасислари ва иқтисодчи олимлари диққат марказида турган масалалардан бири ҳисобланади.

Капитал бозорида институционал инвесторлар фаоллигини ошириш бўйича ҳинд олимлари Нараяна Махарана, Суман Калян Чоудхури, Ашок Кумар Паниграхи, россиялик иқтисодчи олимлар А.А.Мартенс ва Н.О.Деркач, и.ф.д., профессор Е.И.Воробьева, И. Ансофф, П.Роуз, О.Лаврошин ва бошқалар илмий ишлар олиб борган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан С.М.Ходиев, А.Марданов, Ф.И.Мирзаев,

Р.Мунасыпов, М.М.Абдурахмонова, З.Я.Рахмонов¹ ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб борган.

Адабиётларни таҳлил қилар эканмиз тадқиқотимиз жараёнида тижорат банклари ресурс базаларини мустаҳкамлашга қаратилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилмаганлигини инобатга олиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олишни лозим топдик:

- тижорат банкларида ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг услубий асосларини ўрганиш;
- тижорат банклари фаолиятида ресурс базаларни ҳуқуқий-меъёрий асосларини тадқиқ қилиш;
- тижорат банклари фаолиятида ресурс базаларига таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлар орқали баҳолаш;
- тижорат банклари фаолиятида ресурс базаларини мустаҳкамлаш йўлларини ишлаб чиқиш;
- тижорат банклари фаолиятида ресурс базаларини мустаҳкамлаш йўлларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш;
- тижорат банклари фаолиятида ресурс базаларини мустаҳкамлаш йўлларида мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлларини тадқиқ қилиш;
- тижорат банклари фаолиятида ресурс базаларини мустаҳкамлаш йўлларини ўрганиш.
- Тижорат банклари фаолиятида ресурс базаларини мустаҳкамлаш йўлларини ишлаб чиқишда энг муҳим хулосалар олға сурилмоқда. Яъни тижорат банклари фаолиятида ресурс базаларини мустаҳкамлаш йўллари бўйича амалий таклифлар асослаб бериш, тижорат банклари фаолиятида ресурс базаларининг ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилиш, тижорат банклари фаолиятида ресурс базаларини мустаҳкамлаш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, тижорат банклари фаолиятида ресурс базаларини мустаҳкамлаш йўлларига бағишланган илмий манбаларни тадқиқ қилиш орқали муаллифлик таърифлари шакллантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. Тошкент-2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.
2. З.Я.Рахмонов – Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш. Иқтисод фан. фал.док....дисс. Дисс. – 2018.

¹ З.Я.Рахмонов – Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш. Иқтисод фан. фал.док....дисс. Дисс. – 2018.